

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармойиши билан ташкил этилган Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақдирларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронлики барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳоли комплекс ва чуқур ўрганилди.

Мазкур жараёнда аҳолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари юқори фаоллик ва дахлдорлик ҳиссини намойён қилдилар.

Ўтказилган комплекс ўрганиш, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот ақунлари бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни тезкор кўришни талаб этувчи қатор тизимли камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Ҳамкорликдаги сай-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундан шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга қўмаклашиш юзасидан аниқ тақдирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур тақдирларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Аҳоли билан ўтказилган очик ва тўғридан-тўғри мулоқот ақунлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш ҳақидаги тақдирлар қабул қилинсин.

2. Куйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

тиббий-мехнат экспертизаси ва ногиронлики белгиланишнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, шу жумладан, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллашда ҳолда юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишнинг самарали механизмларини яратиш, ногиронлигининг белгилари пайдо бўлган вақтдан бошлаб уларни кузатиб бориш ва

қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳолини таъсирчан мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шароитларини ҳар томонлама баҳолаш, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ягона комплекс тизимини жорий этиш;

тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишининг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг уй-жой-маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамини кенгайтириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шу жумладан, сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қўлай муҳитда бўлиши, шахар йўловчи транспорт, ижтимоий ва бошқа инфра-қурилиш объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокчи таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

ногиронлики белгиланган ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида давлат-хусусий ва ижтимоий шерикликини ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, "Мурувват" ва "Саховат" интернат-уйларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

протез-ортопедия воситалари ва техник реабилитация буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналари, шу жумладан, чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш;

замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг илгор ютуқлари, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг сифат стандартларини асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соғломлаштириш хусусиятидаги чора-тадбирларни яхшилаш, соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб бориш маданиятини тарғиб қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шу жумладан, ногиронлики белгиланишнинг самарали мезонларини қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш.

Давоми 2-бетда. ➡



## ЭЛИМ, ДЕБ УРСИН ЮРАК...

Ўрта Чирчиқ туманининг Туябўғиз кўрғонида жойлашган вилоят кардиология диспансерининг капитал реконструкциядан чиққан биноси фойдаланишга топширилди.

### Йил тухфаси

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Б. Аҳмедов, кардиология диспансери бош шифокори Ф. Сарманов ва бошқалар мамлакатимиз тиббиёт тизимида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли

илоҳотлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳада сифат ва самарадорликни ошириш, аҳолига қўлайлик яратиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, соғлиқни

сақлашнинг турли йўналишлари, жумладан, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш, жаҳон тиббиёти ютуқларини жойлардаги тиббиёт муассасалари амалиётига татбиқ этиш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини янада ошириш, шифохоналарни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давоми 4-бетда. ➡

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси  
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 20-"Искандар", 31-"Янгиобод" ва 34-"Ўзбекистон" сайлов округларини тўзиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 20-"Искандар", 31-"Янгиобод" ва 34-"Ўзбекистон" сайлов округлари куйидаги тартибда тузилсин:

20-"Искандар" сайлов округи  
Маркази – Бўстонлик тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи биноси.

Худудий чегараси: Бўстонлик туманининг бир қисми. "Товоқсой", "Ешлик", "Искандар", "Собир Раҳимов", "Намуна", "Толеби", "Обод", "Бунёдкор", "Паргос", "Талпын", "Богча Овул", "Кўк тўли", "Хондойлиқий", "Кичиксой", "Бирлик", "Чимбойлик", "Қизилсу" маҳаллалари.

Сайловчилар сони – 38 394 нафар

Сайлов участкалари сони – 17 та  
31-"Янгиобод" сайлов округи  
Маркази – Қибрай тумани "Жарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси.

Худудий чегараси: Қибрай туманининг бир қисми. "Дўрмон", "Нурафшон", "Янги аргин", "Пасткиоз", "Юқориоз", "Бирлик", "Қодира ГЭС", А. Темур, "Аргин", "Мевазор", "Ташисти", "Гулзор-1", "Гулбоғ", "Чинор", "Тараққиёт", "Геофизика", "Алишер-обод", "Туқайтепа", "Дўстлик", "Чингелди", "Хайдаробод", "Жарбоши" маҳалла фуқаролар йиғинлари.

Сайловчилар сони – 42 776 нафар  
Сайлов участкалари сони – 15 та

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси  
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 20-"Искандар", 31-"Янгиобод" ва 34-"Ўзбекистон" сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тўзиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 20-"Искандар", 31-"Янгиобод" ва 34-"Ўзбекистон" сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари куйидаги тартибда тузилсин:

20-"Искандар" округ сайлов комиссияси  
Комиссия раиси:

Мамажонов Дилшод Махаматжон ўғли – Бўстонлик тумани "Энергокурлишмидустрия" унитар корхонаси директори ёрдамчиси  
Комиссия раисининг ўринбосари: Даулабаев Нурмаҳаммад Мамбетович – Бўстонлик тумани "Паргос" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Комиссия котиби: Курганова Машкура Кургановна – Бўстонлик тумани "Товоқсой" иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директори в.б.

Комиссия аъзолари: Омаркулов Сулаймон Кушерович – Бўстонлик тумани "Искандар" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси  
Тулеева Улбала Канлибаевна – Бўстонлик тумани "Паргос" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси  
Азизбаев Хамидулла Пайзибаевич – "Максам – Чирчиқ" акциядорлик жамияти ходими

Эргешова Манзура Шодикаримовна – Бўстонлик тумани "Барраж" маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла фаоли  
Округ сайлов комиссияси манзили – Бўстонлик тумани Тавоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи биноси.

31-"Янгиобод" округ сайлов комиссияси  
Комиссия раиси:

Убайдуллаев Зикрилла Асомович – Қибрай тумани халқ таълими бўлими услубхона раҳбари  
Комиссия раисининг ўринбосари: Абдуллаева Асия Қабылановна – Қибрай тумани 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия котиби: Худайбердиев Абдурашул – Қибрай тумани "Туқайтепа" маҳалласи раиси

Комиссия аъзолари: Раимов Хайдарбек Юсупович – Қибрай тумани "Хайдаробод" маҳалласи посбони  
Турсунбоев Рашид – Қибрай тумани Тузель қишлоғи ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи  
Абдуллаева Раъно Амировна – Қибрай тумани А. Темур маҳалласи маслаҳатчиси  
Ҳакимова Барно Исмаиловна – Қибрай тумани 6-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси

Соатов Равшан Хикматович – Қибрай тумани "Нурафшон" маҳалласи посбони  
Пўлатов Ойбек Муратович – Қибрай тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази инспектори  
Округ сайлов комиссияси манзили – Қибрай тумани "Жарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси.

34-"Ўзбекистон" округ сайлов комиссияси  
Комиссия раиси:

Джалалова Нигора Турсуновна – Қуйи Чирчиқ тумани 33-сонли умумтаълим макта-

34-"Ўзбекистон" сайлов округи  
Маркази – Қуйи Чирчиқ тумани "Пахтазор" маҳалласи 21-сонли мусиқа ва санъат мактаби биноси.

Худудий чегараси: Қуйи Чирчиқ туманининг бир қисми: "Пахтазор", "Тинчлик", "Дўстлик", "Бирлик", "Уч чинор", "Ватан", "Боғистон", "Беруний", "Хўжапикент", "Кўксарой", "Чинобод", "Бешкент", "Мевазор", "Маданият", "Кўшек", "Йилқичи", "Сергели", "Сурум" маҳалла фуқаролар йиғинлари.

Сайловчилар сони – 33 353 нафар  
Сайлов участкалари сони – 20 та

Вилоят сайлов комиссияси раиси  
Ф. МУҲАМЕДОВ

Нурафшон шаҳри,  
2017 йил 30 ноябрь

би директори  
Комиссия раиси ўринбосари: Халмуратов Батыр Бахтибаевич – Қуйи Чирчиқ тумани транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори

Комиссия котиби: Ахунжанова Мамура Эминжановна – Қуйи Чирчиқ тумани 33-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Комиссия аъзолари: Хасанова Юлдуз Набижон кизи – Қуйи Чирчиқ тумани 10-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси  
Сидикова Омина Турдалиевна – Қуйи Чирчиқ тумани 34-сонли мактаб хўжалик ишлари бўлими мудири

Умирзаков Муртоз Жалолович – Қуйи Чирчиқ тумани "Чинобод" маҳалласи котиби  
Раҳманов Муҳиддин Эшқулович – Қуйи Чирчиқ тумани "Ўзбекистон 5 йиллиги" ҚОП мудири

Умарова Дилфуза Шерқуловна – Қуйи Чирчиқ тумани 49-сонли мактаб директори  
Утешова Раъно Махамедовна – Қуйи Чирчиқ тумани 11-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири  
Ахмедова Шоира Собировна – Қуйи Чирчиқ тумани "Пахта тозалаш заводи" ходими  
Балтабоева Махбуба Жумабаевна – Қуйи Чирчиқ тумани "Пахтазор" маҳалласи маслаҳатчиси

Округ сайлов комиссияси манзили – Қуйи Чирчиқ тумани "Пахтазор" маҳалласи. Тел.: (0370)-56-71-276.

Вилоят сайлов комиссияси раиси  
Ф. МУҲАМЕДОВ

Нурафшон шаҳри,  
2017 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИНОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидагиларни таъминлаш чораларини кўрсин:

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизига имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

қўриш аъзолари заиф шахсларга овоз эшиттириш имконини яратиш мақсадида турли хилдаги дастурий таъминотларга давлат тилида махсус дастурлар, шу жумладан, компьютер операциялар тизимлари яратиш, уларни ушбу шахслар ўқитган ва ишлаётган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда кейинчалик эркин тарқатиш, ўрнатиш, шунингдек, мазкур дастурларни яратиш учун салоҳиятли ҳомийлар топиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун жойлаштирилган маълумотлар билан эркин танишиш ва хизматлардан фойдаланишга оид қўшимча имкониятлар жорий этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортни пандуслар, алоҳида жойлар билан, бекатлар ва маршрутларни эшиттирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситалар билан жиҳозлаш, улардан эркин фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш бўйича жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирларни кўриш.

5. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган шахар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги "Ўзавтосаноат" АЖ ва Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан биргаликда икки ой муддатда:

автоматотранспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

маҳаллий ишлаб чиқаришнинг энгил автомобилларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун махсус мосламалар билан қайта жиҳозлашни, таъминлаш бўйича тақдирларни киритиш.

6. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тар-

◀ Бошлангич 1-бетда.

тиби жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни квота асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яқка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун – бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли идораларнинг фаолиятини қуйидагиларга қаратилган тақлифлар тайёрлаш билан бирга қайта кўриб чиқишни таъминласин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан, уларни тўлиқ ва комплекс қулатган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш;

ихтисослаштирилган идора негизда ногиронликини белгиланиш тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш;

тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронлиққа мувофиқлигини текшириш тартибини жорий этиш;

амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб берадиган самарасиз тузилмаларни тугатиш, тегишли штат бирликларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамағармаси (кейинги ўринларда Жамағарма деб юритилади) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жамағармани, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималардан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантиришни назарда тутган ҳолда, унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

10. 2018 йил 1 июндан бошлаб, ногиронлиги бўлган шахслар, тайинланган пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация восита-

лари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар тўғрисидаги комплекс маълумотларни ўз ичига олган, шунингдек, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш амалиётга татбиқ этилсин.

11. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат қадриятлари давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, бошқа манфаатдор идоралар объектлар лойиҳалаштирилиши ва қурилишида архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлаш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагиларга:

барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ҳимоятлари корхоналари билан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар тузиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатувлар ва видеofilmларнинг субтитр ёки сурдо таржима билан олиб борилишини ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириш ва бўш вақти мароқли ўтишини таъминлаш учун махсус ҳарфи наشرларни кенгайтириш тавсия қилинсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар ногиронликини белгилаш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича, биринчи навбатда, қуйидагиларга қаратилган тақлифларни белгиланган тартибда киритсин:

ногиронликини белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан, ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ногиронликини белгилаш тизимига яққол белгилари бўлган арз-қўлувчини ногиронлик белгиланганга қадар қўллаб-қувватлаш механизмни жорий этиш, бунда унинг ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш мажбуриятини бекор қилиш;

коррупцияга сабаб бўладиган омилларни истисно этган ҳолда, зарур тартиб-таомиллардан ўтишни шифофлиги ва оқилолиги таъминлаш, тартибини

соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган, шу жумладан, автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти ҳақидаги маълумотларнинг тиббий ҳулосаларга киритилишини таъминлаш;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан, тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликини белгиланиш аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топшириш имкониятини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар:

ногиронликини белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашишни таъминлаш ва уларга ногиронлик пенсияси ва нафақалари тўлашини халқаро стандартларига ўттиш заруратини;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларни, шу жумладан, оғир руҳий касалликка чалинганларни парвариш қилувчи шахсларнинг пенсияга чиқиши ва нафақа олиши, шунингдек, алоҳида тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши имкониятини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ногиронликини белгилаш мезонлари ва ногиронлик пенсиялари, нафақалари тўлаш тартибининг қайта кўриб чиқишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг ҳоризонтдаги етакчи ишлаб чиқарувчиларини аниқласин, кейинчалик ушбу соҳага, шу жумладан, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга қўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш қисми бўйича музокаралар ўтказсин.

15. Вазирликлари ва идоралар раҳбарлари мазкур Фармоннинг, шу жумладан, Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЕЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 1 декабрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Мамлакатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, уларга таълим олиш ва ишга жойлаштириш ҳар томонлама қўмаклашиш чоралари қўрилмоқда. Давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйғуларини ҳисобга олган ҳолда ногиронларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1992 йилда БМТ томонидан ногиронларга оид долзарб масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, шунингдек, уларни ижтимоий ҳаётга ва ривожланиш жараёنларига мослаштириш мақсадида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилинди.

Бугунги кунда дунёда тахминан бир миллиард, жумладан, Ўзбекистонда 600 мингдан ортиқ ногиронлар ҳаёт кечирмоқда. Кўпчилик ногиронлар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, бу уларнинг мамлакат сийси, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 1 августда қабул қилинган фармойиш билан Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди.

Комиссия томонидан кенг қўлмал ишлар амалга оширилди, жумладан: мазкур соҳада амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси, шунингдек, давлат органларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Текширишлар якуни бўйича прокуратура органлари томонидан 400 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 700 га яқин шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 700 дан ортиқ шахс протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминланди;

шаҳар ва транспорт инфратузилмасида ногиронлар учун қулайлик яратилганлиги ҳолати ўрганилди (жумладан, 64 598 та давлат органи объектларини фақат 23 901 тасига ногиронларнинг кириш имконияти яратилган ва пандуслар мавжуд);

Интернет тармоғида ташкил этилган ижтимоий сўровлар давомида 500 дан ортиқ фуқародан тақлифлар келиб тушди;

124 та давлат органи ва ташкилотининг

сайтлари ўрганилди, улардан 83 тасида ногиронларнинг ахборот олиши учун махсус имкониятлар мавжуд эмас;

ногиронларнинг яшаш муҳити имкониятлари, таълим олиши ва бандлигини таъминлаш, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқарилиши масалалари бўйича Германия, Франция ва Швейцария давлатларининг тажрибаси бевоқифа ўрганилиб, тақлифлар тайёрлашда инobatга олинди.

Ногиронларга қулай ҳаётни таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратишни, шунингдек, бир қатор янгиликларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони** қабул қилиниши олиб борилган ишларнинг мантикий якуни бўлди.

Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятга тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади. Ушбу мақсадда "Ногирон" тушунчаси муомаладан чиқарилмоқда ва у, энг аввало, инсон эканлигини ҳисобга олган ҳолда умумэътироз этилган "ногиронлиги бўлган шахс" атамаси киритилмоқда.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик қўриш бўйича амалий чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилад.

Фармон билан 51 банддан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** тасдиқланди.

Жумладан, тасдиқланган Дастур қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутди: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш; ногиронлигининг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий

ёрдам кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни махсус касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш.

Кўзи оғир ногиронлиги бўлган шахслар саводхонлигини ошириш имкониятини паст даражада эканлиги уларнинг ижтимоий ҳаётга иштироки ва воқеалардан хабардор бўлишини тўлиқ чеклайдиган ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолган. Шу муносабат билан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизига Брайль алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этишга оид чора-тадбирлар қўрилади.

Бундан ташқари, овоз орқали бошқариш мақсадида компьютер операциялар тизимлари учун махсус дастурлар яратилади, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча имкониятлар жорий этилади.

Сир эмаски, шахар йўловчи транспортларининг махсус ускуналар билан жиҳозланмаганлиги ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойи ва бошқа муассасаларга етиб боришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, светофорлар ва пидедалар йўлакчалари қўшимча товуш ёрдамида бошқариш ускуналарига эга эмас.

Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларга шахар йўловчи транспортини мазкур мақсадларга мослаштириш, бекат ва йўналишларни овоз ёрдамида эълон қилиш орқали қулайликлар яратилади.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган шахар йўловчи транспорт воситаларини сотиб олиш тақиқланмоқда. Бу ногиронлиги бўлган шахсларга автобус ва бошқа шахар йўловчи транспорт турларидан фойдаланишни жиддий тарзда енгиллаштиради.

Ҳозирги кунга қадар миллий энгил автоматизирланган фахат соғлом инсонлар учун мослаштирилган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар эса махсус бошқарув им-

конияти мавжуд эмаслиги сабабли бундай автомобилларга эга бўла олмас эди. Келгусида ишлаб чиқариладиган миллий энгил автомобиллар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда махсус ускуналар билан қайта жиҳозланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирокининг муҳим омилларидан бири уларнинг умумий саводхонлиги ҳисобланади. Бироқ, қатор сабабларга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларида ўқиш учун комплекс имкониятга эга бўлмаган.

Ушбу мақсадда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилмоқда. Мазкур квоталар бўйича фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар таълим олади, бу уларнинг олий таълимга эга бўлишини таъминлаб, жамиятга мослашиш имкониятларини кенгайтиради.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ҳам уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишни кенг рағбатлантириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишга шароит яратиш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ходим сифатида ёллаган яқка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқнинг имтиёзли ставкаси белгиланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишга масъул бўлган ягона идоранинг мавжуд эмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда нафақат

давлат, балки оддий фуқароларнинг иштироки ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамағармаси** ташкил этилиб, унинг маблағлари ногиронлиги бўлган шахслар аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ишлатилади. Ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларига бефарқ бўлмаган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ҳомийлик хайриялари ҳам жамағарма манбалари бўлади.

2018 йилнинг 1 июндан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида комплекс маълумотларни (ногиронлиги бўлган шахсларга оид шахсий маълумотлар, пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилмоқда, бу даволаш ва реабилитация ишларини самарали ташкил этишни таъминлайди.

Қайд этиш лозимки, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришнинг маънан эскирганлиги ҳамда ушбу воситаларни ишлаб чиқаришга оид қўллаб-қувватлашнинг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқариш соҳасига, жумладан, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга қўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада ян

Реклама ва эълонлар

## Дикқат! Дикқат! Дикқат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

| № | Давлат объекти номи                                                     | Бинонинг умумий майдони (кв.м.) | Умумий ер майдони (Га) | Объект манзили                                       | Балансда сақловчи               | Объектнинг бошланғич нархи (сўм) | Босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилгандаги фоизи | Савдо кунин 2018 йил 2 январь соат 11.00 да* | Объектнинг сотиш қиймати (сўмда) |
|---|-------------------------------------------------------------------------|---------------------------------|------------------------|------------------------------------------------------|---------------------------------|----------------------------------|------------------------------------------------------------|----------------------------------------------|----------------------------------|
| 1 | Собиқ Янгйобод болалар боғчаси бино-иншоотлари                          | 473,24                          | 0,4                    | Ангрен шаҳри, Янгйобод ҚФЙ ҳудуди                    | Ангрен шаҳар ҳокимлиги          | 1 030 790 000,0                  | 50                                                         | 515 395 000,0                                |                                  |
| 2 | Марказий шифохонанинг онкология бўлими биноси                           | 1248,05                         | 0,51                   | Ангрен шаҳри, Дукент кўрғони, Ўқитувчилар кўчаси     | Ангрен шаҳар ҳокимлиги          | 1 142 935 000,0                  | 50                                                         | 571 467 500,0                                |                                  |
| 3 | Собиқ техникум биноси                                                   | 1451,85                         | 1,8425                 | Чирчиқ шаҳри, (Охунбобоев) Заковат кўчаси, 2-уй      | Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги          | 7 363 390 000,0                  | 50                                                         | 3 681 695 000,0                              |                                  |
| 4 | "Шарк" МЧЖнинг 25 фониз давлат улуши                                    | -                               | -                      | Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони              | "Шарк" МЧЖ                      | 4 205 157 000,0                  | 50                                                         | 2 102 578 500,0                              |                                  |
| 5 | Қозонхона бино-иншоотлари                                               | 800,12                          | 0,08                   | Бекобод шаҳри, Саноат ҳудуди                         | Бекобод шаҳри "Иссиқлик манбаи" | 374 462 000,0                    | 50                                                         | 187 231 000,0                                |                                  |
| 6 | Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари                                   | 428,75                          | 0,270                  | Оққўрғон тумани, Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ,      | Оққўрғон тумани ҳокимлиги       | 181 000 000,0                    | 50                                                         | 90 500 000,0                                 |                                  |
| 7 | "Орзу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари                         | 2277,4                          | 4,500                  | Охангарон тумани, Айрисой кўрғони                    | Охангарон тумани ҳокимлиги      | 2 470 781 000,0                  | 50                                                         | 1 235 390 500,0                              |                                  |
| 8 | "Бурчмулло заргарлик заводи"нинг фаолият кўрсатмаётган мулкрий мажмуаси | 4801,69                         | 2,2                    | Бўстонлик тумани, Бурчмулло ҚФЙ                      | Бўстонлик тумани ҳокимлиги      | 6 635 818 000,0                  | 50                                                         | 3 317 909 000,0                              |                                  |
| 9 | Диспансер бино-иншоотлари                                               | 2534,98                         | 2,127                  | Бўстонлик тумани, Ҳазратлар шаҳри, Охунбобоев кўчаси | Бўстонлик тумани ҳокимлиги      | 2 907 315 000,0                  | 50                                                         | 1 453 657 500,0                              |                                  |

## Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи сотиш нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини олдиндан сотувчининг куйидаги банк рекавизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг: Ҳазначилик ҳисоб рақами: 2004218602626600000000000002, ИНН 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲҚКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларига қатнашишга бюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб нади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

\* Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки куни 2018 йил 2 январь ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2018 йилнинг 17 январь, 1 февраль, 16 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдо ташкилотчасига очик танлов тўғрисидаги (ёпиқ танлов тўғрисидаги) хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!  
"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очик аукцион савдоларига "Yangi Angren IES" АЖга тегишли куйидаги мулклар чиқарилганлигини маълум қилади:

1. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Енарик ҚФЙ манзилида жойлашган, қурилиш ашёларини сақлаш омбори. Бошланғич баҳоси – 594 700 000 сўм;

2. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Енарик ҚФЙ манзилида жойлашган, механик-чилангарлик таъмирлаш устaxonаси ва омборхона. Бошланғич баҳоси – 319 363 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 2 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2018 йилнинг 12 январь, 22 январь ҳамда 2 февраль, 12 февраль кунлари бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 4.09.2014 йилда "ADVOKAT ZULFIYA SHOYIYEVNA" адвокатлик бюроси адвокати Ҳақимова Зулфия Шойиевна номига берилган № 339-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

– нодавлат юридик шахслар учун – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– бизнес-режа мўхрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шарт) билан.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат кўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақами Ишонч телефонларига аудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Respublika mulk markazi" МЧЖ  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич  
ошиб бориши тартибда  
ўтказиладиган очик аукцион  
савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Yangi Angren IES" АЖга тегишли, Тошкент вилояти, Нуробод шаҳарчасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "NEXIA" русумли, давлат рақами 10/024 WAA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 11 905 000 сўм;

2. "Damas" русумли, давлат рақами 10/204 WAA бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 8 160 000 сўм.

Савдо фолиби деб топилган шахсга 20 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 15 фоиз.

Аукцион савдоси 2018 йил 4 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати 2018 йил 2 январь куни соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари 4 январь куни сотилмаса, тақрорий савдолар 2018 йил 2 февраль, 6 март кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охириги муддати 2018 йил 2 февраль кунидagi савдо учун 2018 йил 31 январь, 6 март кунидagi савдо учун 2018 йил 2 март соат 18.00 гача.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчаси билан тузиладиган закат келишувида белгиланган миқдордан кам бўлмаган закат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20208000500571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аризалар қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Телефон: (0-371) 228-79-52. Гувоҳнома № 001805.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМАЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-хунаар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан куйидаги таълим муассасаларининг вақант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Таълим муассасаси номи                                                | Манзили                                  |
|-----|-----------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|
| 1.  | Олмалик кончилиқ касб-хунаар коллежи                                  | Олмалик шаҳри, А. Темур кўчаси, 45-уй    |
| 2.  | Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-хунаар коллежи                     | Оққўрғон тумани, Гулбаҳор кўчаси         |
| 3.  | Охангарон тумани Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-хунаар коллежи | Охангарон тумани, Нуробод кўрғони        |
| 4.  | Янгийўл тиббиёт коллежи                                               | Янгийўл тумани, Тошкент шоҳкўчаси, 56-уй |

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда солиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, ҚХКнинг таълим йўналишларидан камда биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот)ли; таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚХКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган Классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунаар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунаар таълими ходимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунаар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида куйидаги таълим муассасаларининг вақант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЎРИБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

1. Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи;  
2. Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис касб-хунаар коллежи;  
3. Бўстонлик қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунаар коллежи;  
Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари:

1. Охангарон "Саноат" касб-хунаар коллежи;  
2. Оққўрғон транспорт ва сервис касб-хунаар коллежи;  
3. Ўрта Чирчиқ қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунаар коллежи;  
4. Охангарон транспорт ва сервис касб-хунаар коллежи;

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

1. Қибрай тумани Чингелди маиший хизмат касб-хунаар коллежи;  
2. Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-хунаар коллежи;  
3. Бўстонлик тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунаар коллежи;  
4. Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-хўй коммунал хўжалиги касб-хунаар коллежи;  
5. Қибрай энергетика касб-хунаар коллежи.

Директор ўринбосари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунаар таълими марказининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунаар таълими ходимларининг тармоқ

тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ҚХКнинг таълим йўналишларидан камда биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди.

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-хунаар коллежининг билим соҳаси ёки умумкасбий ва махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) ёки касб-хунаар коллежининг соҳа йўналишига мос ишлаб чиқаришдаги) иш стажини 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Туман (шаҳар) ҳокимликларидан тавсия хати (директорлар учун);  
2. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунаар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;  
3. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартирилгансиз ўз қўли билан тўлдирлиши керак);  
4. Таржимаи ҳол (қўлёзма);  
5. Маълумотнома (справка-объективка);  
6. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (қадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);  
7. Диплом нусхаси (таълим олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);  
8. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;  
9. ИИБдан маълумотноманинг асли;  
10. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);  
11. Паспорт нусхаси;  
12. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);  
13. 6 та фотосурат (3х4);  
14. ИНН, пенсия ҳамғариб бориладиган дафтарча нусхаси;  
15. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефон: 150-40-37.

## МУҲИМ ҲОДИСАЛАР

1-2 декабрь кунлари Ўзбекистон бўйлаб ёғингарчилик бўлади, айрим жойларда ёғингарчилик бўлади. Ша-молнинг тезлиги секундида 17-22 метргача кучайиши кутилмоқда.

Республикаимиз бўйлаб 2-3 декабрь кунла-

ри ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши: кечаси 5-10 даражагача совуқ, кундузи 2 даражагача совуқ, кундузи 2 даражагача совуқ, 3 даража илқ ҳарорат Ўзбекистон бўйлаб 7 декабрда сақланиб қолади.

Кечаси 5-10 даража,

кундузи 2 даражагача совуқ, 3 даража илқ ҳарорат Ўзбекистон бўйлаб 7 декабрда сақланиб қолади.

1-5 декабрь кунлари Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида 2000 метр баландликдаги жойларда қор қўчиши хавфи бор.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ


Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 2 декабрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб вақти-вақти билан қор ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ва кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғиб, кечаси кучайиши эҳтимоли бор. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, кучли қор ёғиши, баъзи жойларда туман тушиши мумкин. 2000 метрдан баланд жойларда қор қўчиши хавфи бор. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Шамолининг тезлиги баъзи жойларда секундида 17-22 метргача кучайиши мумкин. Кечаси ва кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олдидан

## ҚАДРИМИЗГА ҚАЛҚОН, БАХТИМИЗГА ПОСБОН



1992 йилда халқимиз ана шундай имкониятга эга бўлди, шу йилнинг 8 декабрь куни бўлиб ўтган ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Конституциямиз қабул қилинди.

Шунинг учун бу сана 1993 йилдан буён ҳар йили умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Бош Қомусимиз – "Муқаддима", жами 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат. У ҳозирги замон давлатчилиги ва демократиянинг энг юксак талаблари асосида яратилган. Кейинги йилларда давлатчилигимиз тараққиёти билан боғлиқ равишда саккиз бор киритилган ўзгариш ва қўшимчалар

Мустақил давлат фуқароси жамият билан бирга қадам ташлаши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши, бурчларини масъулият билан бажо келтириши, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши, тараққиётдан ортда қолмаслиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўиши учун ҳам унинг қўлида Конституция бўлиши керак.

уни янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Конституцияни билиш фуқарога нима беради?

Конституция давлатимизнинг энг асосий қонуни экан, биз бугун шундай саволни ўртага қўйишга ҳақликимиз. Эртага, индинга ҳам ўз-ўзимизга шу саволни бераверамиз. Қабул қилинганининг 8 йиллигини нишонлаганимиздан кейин, яъни 2001 йилнинг 4 январидида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги фармойиши имзолагани ҳам беҳис эмас эди. Бу ҳужжат ижроси ҳозир ҳам изчил давом этаётти. Конституцияни ўрганиш мамлакат фуқаролари учун ҳамиша долзарб вазифа бўлиб тураверади. Сабаби – ҳар қандай қонуннинг қадрини унга амал қилиш даражаси билан ўлчанади. Конституцияга оғишмай амал қилиш учун фуқаролар уни яхши билиши шарт.

Конституциямиз "Муқаддима"си "Ўзбекистон халқ

қи", – деган сўзлар билан бошланади. Асосий қонуни-мизнинг 7-моддасида аниқ-тиниқ қилиб: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", – деган сўзлар ёзиб қўйилган. Давомида "Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўлаб" иш-тутиши қайд этилган.

Ҳўш, бу ерда қайси халқ ҳақида сўз юритилаяпти? Албатта, ягона Ўзбекистон халқи ҳақида! Бу халқ ким? Аниқ жавобни ҳам Конституция-мизнинг ўзидан – 8-моддадан топамиз: "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади". Демак, Ўзбекистон Республикасида битта халқ яшайди – Ўзбекистон халқи! Бу халқ – Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари билан биргаликда бўлса керак. Чунки,

Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлар учун масъулиги дунёнинг аксар давлатлари конституцияларида бўлса керак. Чунки,

ҳамма миллат ва элатда ҳам боласини вояга етказиш, тарбиялаш, оёққа қўйиш муаммоси ва масъулияти бор-да. Конституциямизнинг 64-моддасида айтиш шарт бўлган қайд этилган. Аммо, 66-моддасида мана бу вазифа фуқаро зиммасига айланиб ўзимизнинг миллий тийнати-миздан келиб чиқиб юклатилган: "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар". Конституция шундай катта ва кучли ҳужжатки, ундаги ҳар бир қоида, чизги ёки қайд ё бевосита ҳаётдаги муҳим бир йўналишга изн беради, ё фуқарони нимадан чеклайди.

Мустақиллик йилларида республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди, ушбу соҳадаги ислохотлар ўзининг янги босқичларига кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида олиб борилаётган ислохотлар халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган таъминлари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, суд тизимини демократлаштириш, қабул қилинган қонунларга оғиш-

май амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча ҳаб-ҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг онги ва маънавиятини ошириш каби йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда ташкил топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбудсман институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ҳуқуқий институтлар жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари риоя этилишини назорат қилишнинг самарали механизми барпо этилди.

**Султонмурод ОЛИМ,**  
филология фанлари  
номзоди,  
"Меҳнат шухрати"  
ордени соҳиб.



## ЭЛИМ, ДЕБ УРСИН ЮРАК...



Бу жараёнда кардиология ва кардиожароҳлик соҳасидаги ишлар ҳам янги босқичга кўтарилаётти. Аҳолига бу йўналишда замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзига хос тизим яратилган. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда тиббий-профи-

лактика ва диагностика ишлари йўлга қўйилган. Юрак ва қонтомир касалликларининг олдини олиш ва асоратларини камайтиришга оид скрининг ва патронаж ишлари кенгаймоқда. Туман тиббиёт бирлашмаларида кардиология хоналари, вилоят марказларида кардиология диспансерлари аҳоли хизматида.

Замонавий кўриниш касб этган, янги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган диспансернинг биринчи қаватида маъмурият, беморларни қабул қилиш, ички аптека, физиотерапия, рентгенография, лаборатория каби бир қатор хоналар жойлашган. Иккинчи ва учинчи қаватларда стационар даволаш бўлимлари, палаталар бор. Муассасада бир вақтнинг ўзига 90 кишини қабул қилиш мумкин.

18 ёшдан катталарга хизмат кўрсатишга ихтисослашган маж-кур диспансерда саккиз нафар малакали шифокор ва ўттиздан зиёд ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилади.

**Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.  
Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

## Фестиваль

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Қамалак" болалар ташкилоти қатор ҳамкорлар билан биргаликда болаларнинг энг ёрқин ижодий лойиҳаларини жамлаш, истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаб, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишларига қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида "Қамалак" юлдузлари" Республика болалар ижодиёти фестивалини анъанавий тарзда ўтказиб келмоқда.

САҲНАДА «КАМАЛАК»  
ЮЛДУЗЧАЛАРИ

Юртимизда ўсиб, вояга етаётган болалар ижодини ривожлантиришда муҳим омили бўлаётган ушбу фестиваль барча туман ва шаҳарларимизда ташкил этилди. Уларда саралаб олинган минг нафарга яқин иқтидор эгалари мазкур тадбирнинг вилоят босқичида иштирок этди.

Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида ташкил этилган кўргазмаларда фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналишларидаги графика, ранг-тасвир, натор-



морт, либослар дизайни, ҳайкалтарошлик, кулчилик, зардўзлик, қуроқчилик, гиламдўзлик, бисер тўқиш, юмшоқ ўйинчоқсозлик, наққошлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги бўйича ижод намуналари намоёйш этилди.

Расм чизишга жуда қизиққан болалар, болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқишга қатъий босиладими, – дейди оҳангаронлик Ануш Волкова. – Тасвирий санъатнинг сирларини мукамал ўрганиб, келажакда катта рассом бўлмоқчиман.

Миллий ҳамда замонавий рақс йўналишидаги танловда рақс дасталари ва яккахон иштирокчилар ўз истеъдодларини кўрсатди.

Созандаликка иштиёқ болалар болалар фестивалда миллий ҳалқ чолалари – плектрли, камонли, дамли ва зарбали чолғу асбобларида ўз композицияларини ижро этди.

Таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар навқирон авлоднинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни нозик дидли, мақсад сари интилувчан, келажакда ўз ҳаёт йўлини аниқ белгилашга қодир қилиб тарбиялаш, ижодларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳмият касб этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## НОТАРИУСГА САВОЛИМ БОР...

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жорий йилнинг 15 ноябрь кунини мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселекторда фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш мақсадида нотариат тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллаларга чиқиб, нотариал хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш тўғрисида кўрсатма берилган эди.

## Бунақаси бўлмаган



Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 73 нафар нотариус маҳалла фуқаролар йиғинларида бириктирилди. Айти кунларда улар жойларга чиқиб, аҳоли билан учрашувлар

ўтказмоқда. Қарз шартномасини расмийлаштириш тартиби, унинг афзаллиги ва ҳуқуқий оқибати юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш шарт.

Шунингдек, фуқаролар томонидан қарз

шартномасини расмийлаштириш юзасидан мурожаатлар бўлган тақдирда, маҳалла фуқаролар йиғинларида белгиланган тартибда нотариал ҳаракатлар амалга оширилоқда.

Янгийўл туманидаги

1-давлат нотариал идорасига ўн иккита маҳалла бириктирилган.

– Шу кунгача тумандаги "Ғалаба", "Юксалиш", "Наврўз", "Пахта", "Гулбоғ", "Гулистон", "Фаровон", "Баҳор" ва "Намуна" каби ўн та маҳаллада учрашувлар ўтказдик, – дейди ушбу идора нотариуси Алма Тажидбаева. – Халқ билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилиши турли ҳуқуқбузарликлар, айниқса, фирибгарликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирларда аҳолини қизиқтирадиган саволларга атрофлича жавоб бермоқдамиз.

Учрашувлар чоғида аҳолига нотариал идораларга мурожаат қилиш тартиби тушунтирилиб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

Бу борадаги ишлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида давом эттирилмоқда.

**З. АХМАДОВ,**  
Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

## Келинг, бир кулишайлик!

## "Келишгани ўзингиз"

Моҳир созанда ва бастакор Фанижон Тошматов лутфи нозик, гаплари ҳазил-мутойиба, қочиримларга бой бўлган. Устоз санъаткор "Дуторчи қизлар" ансамблини бошқараётган йиллари ишга барвақтроқ келибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дуторчи қизлардан бири хонага кирибди. Фанижон ақининг ёлғиз ўтирганини кўриб, қиз сўрабди:

– Устоз, қизлар ҳали келишгани йўқми?  
Фанижон ака қизнинг келишган қадду қомаига қараб, мулоим жилмайиб олгач, лутф қилибди:

– Келишгани ўзингиз, қизим, келишгани ўзингиз!

## "Жағи саломат"

Машҳур Тўйчи ҳофизнинг ўғли, таниқли қизикчи ва аскиячи Абдулқосим Тўйчиевдан таниши ҳол-аҳвол сўраб қолибди:

– Абдулқосим, саломатмисан?  
– Раҳмат, яхшиман.  
– Бола-чақаларинг ҳам тинчми?  
– Шукр, тинч.  
– Хотинингни оёғи синибди, деб эшитдим, тузукми? Энди ётиб қолган бўлса, роса зери-каётгандир?  
– Ташвиш чекаверма, – жавоб қилибди қизикчи кулимсара, – оёғи синган бўлсаям, ҳечам зери-каётгани йўқ – жағи бутун!

## "Чаласиз, ўғлим, чаласиз!"

Бир йигит ансамблга ишга кирмоқчи бўлиб, Фанижон акага йўлиқибди. Устоз санъаткор йигитдан: "Қандай асбобларни чала олсан?" деб сўрабди. Соддадил йигит ҳар қандай чолғу ас-

бобини ҳам "сайратиб" юборишини айтибди. Фанижон ака рубоьда, сўнг танбурда йигитга машқлар чалдириб кўрибди ва бош чайқаб дебди:

– Чаласиз, ўғлим, чаласиз!

## Келинг кидирайпсизми?

«Тошкент ҳақиқати»ни доимий ўқиб борадиган қизлар орасидан ахтаринг!

## Кўёв керакми?

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлган йигитларга эътибор қаратинг! Асло янглишмайсиз.

Чунки газетамизнинг баркамол ўғил-қизлар тарбиясида алоҳида ўрни бор!

**Газетамизга 2018 йил учун обуна давом этмоқда!**



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА  
Муассис:  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Махзилимиз:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:  
233-58-85 (факс)  
233-70-10  
233-12-83  
233-38-23, 233-48-08  
233-81-21, 233-65-59  
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер маркасида терилиш ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Назоратчи мусаввир  
**Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ**